



Tadqiqot.uz



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**30 Sentyabr
№32**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
3-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
32-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-3**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
32-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-3**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 32-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 13 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

1. Маҳмудова Муаззам ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САМАРҚАНДНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ	7
2. Озодахон Абдуносирова Ботиржон қизи ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ НАҚҚОШЛИК МАКТАБИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....	10



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САМАРҚАНДНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ

Маҳмудова Муаззам,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти
“Гуманитар фанлар” кафедраси таянч докторанти
Телефон: +998900447612
muazzamxon1982@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада Амир Темури ва темурийлар даврида Самарқандни сув билан таъминловчи асосий сув манбалари бўлган ариқлар ва ҳовузлар ёритилади. Мазкур мақолада сув манбаларининг ҳозирги кунгача мавжудлиги ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини ёритишга ҳаракат қилинади.

Калит сўзлар: Ариқ, ҳовуз, сув манбалари, сув таъминоти.

Инсон ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дарҳақиқат, сув ҳаётимизнинг энг зарур озуқаси ҳисобланади. Қадимдан Ўрта Осиёда деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган эди. Сувга бўлган талабнинг ошиб бориши натижасида аجدодларимиз янги каналлар ва ариқлар қазиган, сувга бўлган эҳтиёжни қондиришга, суғоришнинг инновацион ечимларини топишга ҳаракат қилишди. Жумладан, Амир Темури ва темурийлар салтанатида ҳам сувнинг мамлакат тараққиётидаги аҳамияти юқори бўлгани боис ирригация тизимида ислохотларни амалга оширганлар. Айниқса, “Ер юзининг сайқали” бўлган пойтахт Самарқанднинг сув таъминотини яхшилаб, дарёлардан турли каналлар ва ариқлар қазиганлар. Самарқандда боғ-у бўстонларнинг мамлакатдаги аҳамиятини ушбу суғориш тизимида бўлган эътиборидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Амир Темури ва темурийлар томонидан Самарқандда боғ ва экинзорларни сув билан таъминлаш мақсадида жуда кўплаб каналлар ва ариқлар қазилган, ушбу сув манбалари аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини таъминлаган. Ушбу канал ва ариқлар ҳозирги кунгача мавжуд бўлиб, улардан фойдаланиб келинмоқда.

Рус тарихчиси ва географи, генерал Леонид Соболев монографиясида Зарафшон округи ерларини суғорадиган ариқлар ҳақида батафсил ёзади. Соболев Зарафшон округини сув билан таъминловчи 41 та ариққа алоҳида тўхталади, ариқлар рўйхатини жадвалга киритиб, ариқларнинг ким томонидан қурилишига ёритади. Мирзаарик Амир Темури асос солган Шероз қишлоғидан бошланган ва қадимги Булунғур ариғига қўшилиб кетган. Соболев жадвалида ёзилишича, Мирзаарик Мирзо Улуғбек томонидан қурилган бўлиб, ариқ Сугут қишлоғига етганда Булунғур ариғига қўшилиб, Мирзаарик ёки Булунғур ариғи номи билан оқади[1]. Мазкур монографияда Мирзаарикнинг қайси манбага асосланиб Мирзо Улуғбек томонидан қурилганлиги ёритилмаган. Бизнинг фикримизча, тадқиқотчи ушбу ариқнинг Мирзо Улуғбек томонидан қурилганлигини шу ернинг маҳаллий аҳолисини фикрларига таяниб ёзган.

Самарқанднинг Жомбой туманидан оқиб ўтувчи Мирзаарик XV аср бошларида Мирзо Улуғбек томонидан қаздирилган бўлиб, В.Л. Вяткин вақф ҳужжатларида тилга олинган Султон ариғи ҳақида тўхталиб, “Султон ариғи ҳозирги Мирзаарикдир” дейди. Мирзо термини билан боғлиқ объектлар Мирзо Улуғбек фаолияти билан боғлиқ бўлган[2]. Мирзаарик ҳозирги кунда Жомбой ва Булунғур туманларини сув билан таъминлаб келмоқда. Талъат Абдуллаев ўзининг “Самарқанд суви” рисоласида Мирзаарик тахминан 1430 йилда Мирзо Улуғбек томонидан қаздирилганлигини ёзади[3].

Самарқанддаги Шавдор канали Хўжа Ахрор Валий томонидан қурилган. Канал Хўжа



Ахрор қишлоғига етиб боради. Каналнинг сув тарқаб кетган жойи ҳозиргача Хазормих деб аталади[3].

Амир Темур Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантиргандан сўнг, кунларнинг бирида бозор айланишга чиқади. Шунда бир мешкобчининг “Оби Раҳмат-шифобахш сув”, деб чанкаган инсонларга мешдан сув бераётганини кўради. Амир Темур мешкобчини хузурига чорлаб, сувнинг қаердан олганлигини ва унинг қандай хусусияти борлиги ҳақида сўрайди. Мешкобчи унинг ариқдан олганлигини айтади ва шундай дейди: “Бу сув ошқозон, ичак касалликларини даволаш учун ичилади, овқатни ҳазм қилади. Агар киши Оби Раҳмат ариғида чўмилса ва ичса асаб касаллигидан, гулафшон, темиратки, тошқин ва шунга ўхшаш касалликлардан фориғ бўлади”. Амир Темурнинг фармонида асосида Оби Раҳмат ариғидан Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасига сопол қувурлар орқали Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ичимлик суви ўтказилган[3]. “Оби Раҳмат” Аллоҳнинг раҳмати ёғилган сув деб аталади. Амир Темур даврида ушбу ариқ Гала Осиё, Боғи Майдон, Боғи Баланд, Мотируд деган боғлар ва қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаган. Ҳозирги кунда ушбу ариқ ёнида “Оби Раҳмат” жоме масжиди қад кўтарган бўлиб, ушбу масжид маҳалла ташаббуси билан 1991-1995 йилларда қуриб битказилган[4]. Юқоридаги фикрларга асосланадиган бўлсак, Амир Темур ҳам Оби Раҳмат ариғининг шифобахш сувларидан ичган.

Академик В.В. Бартольд “Хафизии Абри и его сочинения”сида Самарқанд шаҳри атрофида 5 та ариқ ва 72 та қишлоқ борлигини ёзади:

1) Бозор ариғи; 2) Маздахин ариғи; 3) Раҳмат суви ариғи; 4) Коранд ариғи;

5) Ариқ.....[5]. Бешинчи рақамдаги ариқ кўлёмзада тушириб қолдирилган. Раҳмат суви ариғи “Оби раҳмат” ариғи бўлса керак.

Омонулла Бўриев “Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё” тарихий-географик асарида Хофизии Абри “Географияси”нинг фақат Бодлеян(Оксфорд) кутубхонаси кўлёмзасида сақланган “Мовароуннаҳр тавсифи”ни таржима қилади. Таржимада Анҳори Жадид ариғи(Янгиариқ) ҳақида ёзилган бўлиб, Анҳори Жадид (Янгиариқ) - уни ҳазрат улуғ амир Соҳибқирон,— Аллоҳ унинг шуҳратини ёрқин этсин, - қаздирган, (ёнверлари билан ўзи) бир туман ҳисобланади, дейилади[6]. Демак, В.В. Бартольднинг “Хафизии Абри и его сочинения”сидаги номаълум ариқ бу Анҳори Жадид ариғидир.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида жуда кўплаб боғлар барпо этилган бўлиб, ҳозиргача Панжикент кўчасида жойлашган боғ Феруза боғи деб аталиб, Мирзо Улуғбек томонидан Феруза бегим номини абадийлаштириш мақсадида қўйилган. Панжикент кўчасининг ўнг томонида даштлик бўлиб, ушбу даштликдан сув ҳавзаси орқали ариқ қазилиб, боғни суғориш учун сув олиб келинган. Ҳозиргача ушбу ариқ Даштак ариғи деб номланади[3].

Самарқандда Зарафшон дарёсидан қазиб чиқарилган Аббос ва Қораунас ариқлари ҳам бўлган. Ана шулардан Аббос канали Давлатобод боғини суғорганлиги текширишлар орқали аниқланган[7]. Аббосариқ - Ургут туманидаги Янгиариқ каналининг ўрта асрлардаги номи. Ариқнинг қуйи оқими Анҳор туманига бориб туташган. XVII-XVIII асрларда Жуйи Нав деб аталган, кейинчалик Янгиариқ деб атала бошланган. В.Л. Вяткин Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифин” асарида шу номдаги ариқ ва чўл тилга олинганлигини таъкидлайди. В.В. Бартольд Истахрий(Х аср) берган маълумотларга асосланиб, бу канал ўрта асрларда Бормиш деб аталганини ва у бир кунлик йўл узоклиги масофасида эканлигини қайд этади. Проф. Ш.С. Камолитдин Бормиш (Наҳр Бормиш) ариғининг номи туркча “бор+миш” сўзларидан ясалган бўлиши мумкин, дейди. Ариқ 1467 йилда тузилган вақф ҳужжатида Жуйинав деб тилга олинади. Аштархонийлар ҳукмронлигининг сўнгги давриларига келиб ташландиқ ҳолда бўлган ва кейинчалик ариқнинг бош томони тузатилиб, яна ердан сув оқа бошлагач, Янгиариқ деб атала бошлаган. Л. Соболев ўзининг “Зарафшон округи ҳақида географик ва статистик маълумотлар”(1874) китобида Янгиариқ каналининг 1827 йилда Самарқанд ҳокими Каттабек парвоначи томонидан қаздирилганини қайд этади. В.В. Бартольд ариқ Амир Темурнинг саркардаларидан Аббос баҳодир номи билан аталган бўлиши мумкин, деган фикрни билдиради[2]. Юқоридаги тарихий манбаларга асосланиб, Аббосариқнинг тарихи Х асрга бориб тақалишини ва ариқнинг турли даврларда сув оқимини яхшилаш мақсадида қаздирилиб турилганини тушунишимиз мумкин.

Мамлакат аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ҳовузларнинг ўрни бекиёс бўлган. Ариқлардан оқаётган сувлар ҳовузларда тўпланган ва ичимлик сувига бўлган талабни қондирган. Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқандда жуда кўплаб



ҳовузлар бўлган. Дари Занжир, Мирзо Пўлод, Қози Калон, Кўк масжид, Қўшҳовуз, Ҳожа Зидмурод, Маҳдуми Хоразм, Мадрасаи Сафед, Ҳожанисбатдор, Ҳовузи Сангин, Гўри Амир, Оксарой, Зингарон маҳаллаларида ҳовузлар бўлган[4]. 1947 йилда рус меъмори ва архитектори В.И.Кочедамов Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарлари Бухоро ва Самарқанднинг сув омборлари (ҳовуз) меъморчилигини ўрганиш бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. “Ўзбекистондаги сув ҳавзаси ҳовуз деб номланиб, ҳовузларда сув сақланади, ариқларда сув бўлмаган вақтда овқат тайёрлаш ва ичиш учун фойдаланилади”, деб ёзади В.И. Кочедамов[8].

Ота-боболаримиз сувни муқаддас деб билганлар. Ҳар бир маҳаллада ҳовузлар мавжуд бўлиб, маҳалла аҳолиси ана шу ҳовузлардан сув ичишган. Катталар ёшлар тарбиясига эътибор қаратиб, ариқларда оқаётган сувга ахлат ташлашни, ариққа қарата супуришни гуноҳ деб болалар онгига сингдирганлар ва ўзлари ҳам ушбу кўрсатмаларга амал қилганлар. Ҳозирги кунда сувга бўлган муносабат тубдан ўзгариб кетган. Ариқларимизда сув билан бирга ахлатлар оқиб келади ва тикилиб қолиши натижасида кўплаб ноқулайликлар туғдиради. Биз катталар болаларга оилада, боғчада, мактабда сувнинг муқаддаслигини, сувни тежаш зарурлигини уқтиришимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Соболев Л. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа. – Санкт-Петербург: Тип. Имп. Акад. наук, 1874. – С. 79.
2. Бегалиев Н. Б., Туробов А.М. Самарқанд топонимияси, СамДЧТИ нашри, 2015. – Б. 25-44.
3. [twirpx.com//Абдуллаев Т. Самарқанд суви \(Рисола\)](http://twirpx.com//Абдуллаев Т. Самарқанд суви (Рисола))
4. <https://sammuslim.uz/oz/press/news/obi-rahmat-jome-masjidi?print=on>
5. Бартольд В.В. “Хафизии Абури и его сочинения” // Сочинения. – Москва, 1973. Т.VIII. – С. 88.
6. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 81.
7. Алимов У. Амир Темур даврида боғдорчилик // Амир Темур сабоқлари. “Амир Темур ва инсон манфаатлари” мавзуда ўтказилган халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 52.
8. <https://sv.zarnews.uz/post/osobaya-aura-drevnix-xauzov>



ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ НАҚҚОШЛИК МАКТАБИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.

Озодахон Абдуносирова Ботиржон қизи
ФарДУ Ўзбекистон тарихи
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Амир Темур ва Темурийлар даврида наққошлик санъатининг тараққий этиши ҳамда мактабларининг шаклланиши масалалари ёритилади. Ундан ташқари Камолиддин Бехзод ва бошқа наққошларнинг фаолияти ўрганилади ва таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Амир Темур, наққошлик, хаттотлик, Камолиддин Бехзод, Амир Рухулло, нигорхона, Юсуф Наққош, Сафедбулон, “Қаландар наққош”, меъморчилик, Якут.

Темурийлар даврида буюк цивилизация вужудга келиши билан биргаликда, фозил ва донишманд шахслар, санъаткорлар, меъморлар, шоирлар, мохир хунармандлар этишиб чикдики, Ўрта Осиё балки, жаҳон маданияти тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Соҳибқирон Амир Темурнинг мамлакатни бирлаштириши, ички ва ташқи хавфларларни бартараф этилиши ҳамда юртда тинчлик-осойишталикни ўрнатилиши ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. XV – XV асрларда Самарқанд ва Ҳиротда тез сураатлар билан турли-туман иншоотлар курила бошлаган. Бундай кенг қамровли курилишларда Ҳиндистон, Эрон, Кавказ ёки бир сўз билан айтганда Амир Темур салтанатига қарашли барча ўлкалардан келган хунармандлар, меъморлар, усталарни кўриш мумкин эди. Хусусан, Самарқанд ва Мовароуннаҳрда бунёд этилган ҳашаматли тарихий-меъморий обидаларда Яқин ва Ўрта Шарқ меъморчилиги услублари ҳамда эстетик қарашларни уйғунлашиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, салтанатнинг йирик шаҳарларида меъморчилик, тасвирий санъат, наққошлик мактаблари вужудга кела бошлади. Уларнинг орасида Ҳирот наққошлик мактабини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу мактабнинг асосчиларидан бири Мирак Наққош бўлиб, уста баъзи манбаларда Амир Рухулло номи билан ҳам тилга олинган [1:33]. Афғонистонлик олим Мойил Ҳеравий уни Камолиддин Бехзоднинг устози ва раҳномоси бўлганлини айтиб ўтган. Мирак наққош кимсасиз қолган “Шарқ Рафаели” номи билан тилга олинган Камолиддин Бехзодга ғамхўрлик қилиб, ўз тарбиясига олади. Тарихий манбаларга қараганда, Мирак Наққош наққошлик билан бир қаторда ўқ ва камон ясовчи уста сифатида танилган. Ҳирот наққошлик мактабида Мавлоно Валилулло ҳам ижод қилган. Шоҳрух мирзо замонидаги энг истеъдодли хунармандлардан бўлганлиги учун “Қаландар наққош” номи берилган. Усталар орасида ўзининг ноёб қобилияти сабабли юксак мартабага эришган. Санъатшунос олима Г.Пугаченкованинг фикрларига қараганда, Мирак Наққош Ҳиротлик меъмор Устоз Жаҳонгирдан сабоқ олган. Мирак Наққошнинг туғулган санаси маълум эмас, Мавлоно Валилуллодан Ҳиротда таҳсил олган. Алишер Навоийнинг маълумотларига қараганда, Ҳирот шаҳридаги “Масжиди Жомени” қайта тикланиши ва кенгайтирилишида Мирак Наққош ва унинг жамоаси иштирок этган. Темур ва Темурийлар даврида ижод қилган наққош ва мусаввирлар ҳақида Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъул-вақоъ” асарида бир қатор қизиқарли маълумотлар келтириб ўтилади. Хусусан, Мавлоно Муҳаммад Куфний, Ҳожа Шомухаммад, Хусайн Зардўзи, Мавлоно Халил Саҳҳоб каби усталарнинг номлари тилга олинади. Восифийнинг асарида Камолиддин Бехзоднинг ижодига ва тасвирий санъат намуналарига тавсиф берилган [2:24]. Ундан ташқари Юсуф Наққош ҳақида бир неча бобларида қизиқарли маълумотлар учрайди. Ҳиротлик машҳур наққош ва хаттот Якут ҳам тилга олинади. Ушбу асарда хаттот Якут ҳақида ривоятлар ҳам келтирилади.

Темур ва Темурийлар даврида ижод қилган хаттот, мусаввир ва наққошлар ҳақидаги маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам учрайди. Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” асарида эса юқоридаги маълумотлар такрорланади. Унда самарқандлик ва мовароуннаҳрлик хунармандлар ва меъморлар билан бир қаторда чет эллик хунармандлар (фаранглар) тўғрисида маълумотлар мавуд. Бирок, уларнинг исмлари сир сақланган. 1404 йилда Самарқандга ташриф буюрган Клавиҳо ҳам наққошлик ва хаттотлик намуналари борасида қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган. Соҳибқирон Амир Темур томонидан Конибил мавзесида невараларининг тўйлари муносабати билан ўтказилган



маросимда иштирок этган ҳамда ҳунарманд аҳли томонидан кўргазмалар уюштирилгани ҳамда ҳайратомуз нарсаларни кўрганлигини батафсил ёзиб қолдирган [3:10].

Ҳирот наққошлик мактабининг машҳур вакили Камолиддин Бехзод бўлиб, ёш мусаввирни камол топишида Мирак Наққош ва Алишер Навоийнинг хизматлари катта бўлган. Бўлажак мусаввир 1455 йилда Ҳирот шаҳрида ҳунарманд оиласида туғулган. У наққошлик ва мусаввирлик сирларини ўзгача иштиёқ билан ўрганади ва Алишер Навоийнинг кутубхонасида ишлайди. Ёш мусаввирнинг таърифини эшитган Султон Хусайн Бойқаро уни сарой кутубхонасига чорлайди. Унинг лавозимга тайинланиш нишони ҳақида Хондамир ўзининг “Номан номий” асарида қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдиради [4:54]. Султон Хусайн Бойқарони чорбоғидаги ижодхонаси бутун дунёга Камолиддин Бехзод нигорхонаси номи билан танилган. Бу нигорхонада яратилган шох асарларни Италия ва Нидеоландиялик савдогарлар қўлга киритишга ҳаракат қилишарди. Камолиддин Бехзод ижодига назар ташласак, аксарият асарлари Султон Хусайн даврида яратилганлини кўриш мумкин. Бехзоднинг яратган биринчи асари Лондоннинг Честер Битти кутубхонасида сақланаётган “Бўстон” асари саналади. Яна бир машҳур асари Низомийнинг “Хамса” асари бўлиб, 1442 йилда кўчирилган. Ҳозирги кунда Британия музейида сақланади.

Самарқанд, Ҳиротдан ташқари, Бухоро, Тошкент, Андижон, Марғилон, Хўжанд каби шаҳарларда ҳам меъморчилик, хаттотлик, ҳунармандчилик юксак даражада тараққий этган. Тарихий манбаларда убшу шаҳарлардаги меъморий обидалар тўғрисида кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Бироқ, Фарғона водийсида бунёд этилган меъморчилик обидалари ҳақида маълумотлар жуда кам учрайди. Амир Темур 1390 йилнинг охирида Тўхтамышхонга қарши юриш бошлаш олдиан Хўжандга ташриф буюради ва Шайх Маслаҳат Хўжандийнинг қабрларини зиёрат қилиб, 10 000 олтин кўппакий миқдоридagi маблағни ўша ёрдаги фақирларга эҳсон қилади [5:129]. Шунингдек, Шайх Маслаҳат (Муслиҳиддин) Хўжандий мақбарасига Амир Темур томонидан 1390 йилда эски мақбара устида бунёд этилган. Соҳибқирон томонидан эҳсон қилинган маблағнинг бир қисми мақбара қурилишига сарф қилинган [6:4]. Қирғистон Республикаси Олабуқа тумани Сафедбулон қишлоғидаги Шох Фазл мақбараси ҳам Амир Темур ва Темурийлар даврида бунёд этилганлиги тахмин қилинади. Маҳаллий аҳолининг маълумотларига қараганда мақбара Амир Темур фармонига биноан унинг ўғли Умаршайх мирзонинг назоратида қурилган. Бир гуруҳ тадқиқотчилар эса “Сафедбулон қиссасидаги” маълумотларга таянган ҳолда ушбу мақбара Бобур мирзо томонидан қурилганлиги таъкидланади [7:6]. Шунини айтиш жоизки, мақбаранинг устки қисми ажойиб нақшлар билан безатилган. Фарғона водийсида наққошлик ва хаттотликнинг алоҳида марказлари бўлмасада, бу соҳалар ривожланганлигини кўриш мумкин. Амир Темур ва Темурийлар даврида Ҳирот ва Самарқанд хаттотлик санъатининг йирик марказлари эди [8:15]. Бу шаҳарларда ўз даврининг йирик хаттотлари яшаб ижод қилганлар. Марказий шаҳарларда хаттотлик соҳасидаги ўзгаришлар чекка вилоятларга ҳам ижобий таъсирини ўтказди. Буни, Фарғона водийси мисолида кўриш мумкин. Манбаларда водийда фаолият юритган баъзи хаттотлар тўғрисидаги маълумотлар учрайди. Бобур мирзо Амир Али Дарвешбекни хаттотлик санъати билан шуғулланганлиги ва настаълик хатини жуда чиройли ёзганлигини қайд этади [9:16]. Хаттотлик санъати борасида сўз кетганда Мавлоно Хулқийни ҳам тилга олиш мумкин. Ҳайдар мирзо уни настаълик хатини жуда чиройли битувчи хаттот сифатида тилга олади. Бироқ, Фарғона водийсида марказдаги бошқа шаҳарлардан фарқли ўларок бу санъат тури билан бошқа касб эгалари шуғулланишган [10:6].

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ва Темурийлар даврида санъатнинг барча жаҳдалари ривожланганлигини кўриш мумкин. Ҳирот наққошлик мактаби уларнинг орасида алоҳида тилга олинади. Камолиддин Бехзоднинг нигорхонаси ва унда дунёга келган шох асарлар бугунги кунда ҳам қимматлилик даражасини йўқотгани йўқ. Бу даврда яратилган санъат асарлари тарихимизнинг дурдоналари сифатида тилга олинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ориф Усмон. Камолиддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби. – Т.: Фан, 1977. – Б 168.
2. Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат. // мақолалар тўплами – Т.: Адабиёт ва санъат. 1996. – Б.46.
3. Ҳамид Сулаймон. Темурийлар даври бадиий қўлёзма ва хаттотлик санъатини ўрганиш ўрганиш масалалари. // –Т.: Б – 1969.



4. Н. Норкулов. Темурийлар даври маданиятидан лавҳалар. – У.: “Хоразм”, 1996 – Б. 127.
5. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. / Сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Аҳмад ва Ҳ. Бобобеков, – Т.: “Шарқ”, – 1997. 384 б.
6. Машрабов З. Матбобоев Р. Рахмонов В. Бобур қурдирган мақбара Фарғона водийсидан топилди.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев – Т.: “Юлдузча”. 1989. – Б. 368.
8. Рахмонов М. Темур ва Темурийлар даври санъатига бир назар. // Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Б. –
9. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий // Нашрга тайёрловчи, сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О.Ё.Жалилов. – Т.: Ўзбекистон. 2011. – 704 б.
10. Қаюмов А. Бобур даврида Андижон адабий муҳити; Хожа Юсуф Андижоний. – Т.: Мумтоз, 2009. – Б. 145.

Abdunosirova Ozodaxon@mail.com.
Тел рақами: 90 151-62-37

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(3-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2021

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000